



ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА КЎРИНИШЛАРИ (1991-2021ЙЙ)

Ахмуродов Фаррух Холбозорович

Қашқадарё вилояти ИИБ Тезкор-қидирув хизмати ходими.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8177079>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-July 2023 yil
Ma'qullandi: 22-July 2023 yil
Nashr qilindi: 24-July 2023 yil

KEY WORDS

Терроризм, экстремизм, террорчилик, террорчи гуруҳлар, теракт, Диверсия, Киднаппинг, Хайжекинг, лотинг, Кибертерроризм, Фарғона водийси, Адолат ҳаракати, Ислом лашкарлари, Туркистон ислом ҳаракати, Жиходчилар, Ҳизб ут-таҳрир, Акримийлар, Нурчилар, Таблиғчилар, Ироқ-шом ислом давлати (ИШИД).

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида фаолият юритган экстремизм ва терроризм ташкилотлари, уларнинг турлари, кўринишлари ва оқибатларини мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу ташкилотларга қарши самарали фаолияти бўйича маълумотлар берилади.

Биз мустақилликка эришиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилай бошлаган дастлабки даврларда давлатимизнинг ҳокимияти тепасида бўлган фидойи инсонлар билан биргаликда ҳалқимиз томонидан демократик принциплар асосида, инсон қадри улуғланадиган ва қадрланадиган ватанимизнинг янги тузумга асосланган изчил йўлида бораётган, давлат механизлари СССРдан тўлиқ ажратилиб, янгидан давлатимиз механизлари ташкил этилаётган бир пайтда, вазият бироз беқорорлигидан фойдаланган кучлар ватанимизнинг тинчлигига, суверенитетига ва мустақиллигига раҳна солиш мақсадида ватанимизнинг келажагига шубҳа билан қарайдиган шахслардан фойдаланган ҳолда бир қанча хунрезликлар ва шунга ухшаш ҳуружлар амалга оширганини тарихдан бизга маълумдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш – барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб

боришимиз шарт”[3] дея таъкидланганлиги ҳам нақадар ўринли эканлигини англашимиз мумкин.

Терроризм ва экстремизм ҳақида гапирар эканмиз юртимизга бу каби гуруҳларнинг фақат дин ниқоби остида асосан ислом байроғи остидаги фаолияти намоён бўлиб, бир қанча кунгилсиз ҳодисалар содир этганлигини кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» гуруҳи жангарилари 1999 йили Тошкент шаҳри ва вилоятида, 2000 йили Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, шунингдек, 1999, 2000 ва 2006 йиллари қўшни Қирғизистон ҳудудида, 2006 йили Тожикистон ҳудудида террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган терроистик актларни келтиришимиз мумкин[7].

Ислом динини ниқоб қилиб олган бу каби экстремистик ва террористик гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихнинг муайян даврида устувор бўлган кўплаб омиллар, турли жараёнларнинг ўзаро таъсирлашувининг натижаси деб тушуниш мумкин. Ўрганиш, дин ниқоби остида пайдо бўлган экстремистик ҳаракатларнинг ғоявий илдизлари ислом тарихининг биринчи асрига бориб тақалишини кўрсатади.

Терроризмни турли хил ва кўринишда таснифлаш мумкин. Терроризм жамиятимизда турли кўринишларда намоён бўлади. Уларни ғояси, мақсади, тоифаси, келиб чиқиши, кўринишига қараб турлича гуруҳларга бўлиш учун ҳар хил мезонлардан фойдаланиш мумкин. Лекин терроризмнинг янги турлари янгидан пайдо бўлаверади. Масалан: кибер терроризми ёки компьютер терроризми кабилардир.

Россиялик эксперт, РФ ИИВ Москва институти кафедра мудирини В. Постольник – терроризмни кўринишига қараб қуйидагича турларга таснифлайди. Жумладан, Сиёсий терроризм, ижтимоий терроризм, миллий терроризм, ҳудудий-сепаратистик терроризм, дунёқараш терроризми, биологик терроризм, жиноий терроризмларни келтиради[6].

Ҳозирги кунда бутун дунёга хавф солаётган терроризм турларидан бири кибертерроризмдир.

Кибертерроризм (кибер уруш) – компьютер тармоқларига ҳужум. 1990 йилларнинг охирида пайдо бўлган. Бунинг натижасида жамият ҳаётининг катта бир қисми, ҳукумат ташкилотлари, компаниялар фаолияти «киберхулиган» ва «киберпартизан»лар томонидан издан чиқарилади. Масалан, Пентагон хавфсизлик бўлими қайд этишича, ҳар куни ушбу вазирликнинг ахборот тармоқлари 60 дан кўп маротаба хакерлар ҳуружига учрашлиги айтилган. Бундан ташқари, Яқин тарихдан маълумки, Югославия устидан бомба ҳужумлари бошланганида (1999 й.) Россия ва Сербиядаги бир гуруҳ хакерлар АҚШ давлат ташкилотларига тегишли серверларни атайтлаб мўлжалга олишган эди[1].

Терроризмни умумий типологиясига кўра, халқаро терроризм, ички сиёсий терроризм, умумжиноий характердаги терроризм турларини ажратишимиз мумкин.

Миллий айирмачилик, этник терроризм оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзга миллат ҳукмронлигига қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланмоқда. Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқон ярим оролида, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир

этилаётган террорчилик ҳаракатларини мисол келтиришимиз мумкин.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши дин ниқоби остидаги -экстремистик мазмундаги бузғунчи ғояли кўринишида бўлиб, айниқса, ислом дини байроғи остида уюшган Ал-Қоида, Ҳизб ут-таҳрир, Ҳизбуллоҳ, Мусулмон биродарлар, Ислом озодлик партияси, Ат-такфир вал-Ҳижра, Жунуд Аллоҳ, Жиҳод, Туркистон ислом ҳаракати каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва террорчилик ташкилотлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўпоровчилик хуружларини амалга ошириб келмоқда.

Терроризмнинг яна бир кўриниши сиёсий характерда бўлиб, бевосита, тўғридан-тўғри сиёсий ҳокимиятни эгаллашга, яъни ўзларининг террорчилик хуружлари билан мавжуд сиёсий ҳокимиятга, тартиботга ва алоҳида сиёсий етакчи ҳамда сиёсий элита фаолиятига қарши қаратилган бўлади. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, АҚШ ва Россия тарихида терроризмнинг бундай кўриниши жуда кўп содир этилган. Фикримизга қуйидагилар асос бўлади: АҚШ Президенти Авраам Линколн (1865 й), Россия императори Александр II (1881 й), Ҳиндистон бош вазири Индира Ганди (1984 й), Исроил бош вазири Исҳоқ Рабин (1996 й), Чеченистон Президенти Аҳмад Қодиров (2004 й) ва бошқа шу каби сиёсий етакчилар терроризм қурбони бўлганлар.

Терроризмнинг яна бир кўриниши давлат ҳокимияти тепасида бўлган айрим сиёсий етакчи ёки гуруҳлар томонидан ўз халқига ва оммага нисбатан уюштирган террори ҳисобланади. Бунга мисол сифатида собиқ шўролар давлатини келтиришимиз мумкин. Жумаладан: 1918–1924 йилларда Фарғона водийсида истиқлол учун курашган 500 минг киши «қизил террор» қурбони бўлган бўлса, 1 миллион киши очликдан вафот этган. 1920–1930-йилларида 84 та концлагерга 50 мингдан ортиқ халқини озодликдан маҳрум этишган бўлиб, уларнинг аксарияти уша ерда вафот этишган. 1932–1933 йилларда Шўро давлати раҳбарларининг ўз халқига қарши террори оқибатида 16 миллион киши очликдан қурбон бўлган[5].

Ҳозирги даврда айрим террорчи гуруҳларда турли гуруҳлар билан ўзаро бирлашиш хусусияти ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятини эгаллашга ҳаракат қилган сиёсий гуруҳлар етакчилари (Салай Мадаминов, А.Пўлатов кабилар) диний-экстремистик кайфиятдаги террорчилар (Тоҳир Йўлдош, Жума Ҳожиев кабилар) билан ўзаро тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳокимияти ағдариш ва Президентга қарши бир қанча террористик актлар содир этишган. Мисол тариқасида Тошкент шаҳрида содир этилган 1999 йил 16 февраль воқеалари ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 2000 йилда содир этилган босқинчилик хуружлари шулар жумласидандир.

Ушбу жиноятни содир этган террорчиларга нисбатан Ўзбекистон овози газетасида шундай дейилади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилик, қотиллик, мамлакатимиз Президенти ва Конституциявий тузумга тажовуз қилиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 12 нафар шахс устидан ўтказилган суд жараёни якунланди. 2000 йил 17 ноябрь куни суд мажлисига раислик қилган Олий суд раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов Ўзбекистон Республикаси номидан жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмини эълон қилинганлиги, суд ҳайъати томонидан давлат қораловчиси қўйган айбловдан баъзи моддалар чиқариб ташланди, баъзилари эса умумлаштирилганлиги, унга кўра,

одил суддан қочиб юрган ҳалқаро террорчилар Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиёв оғир жазога ҳукм қилинганлиги, Муродулла Козиев ва Улуғбек Бобожонов 20 йил, Ҳамиджон Рахмонов ва Шавкат Каримов 19 йил, Нажмиддин Жалолов ва Йўлдош Умаров 18 йил, Салай Мадаминовга (Муҳаммад Солиҳ) эса 15 йил 6 ой, Улуғбек Махмудов 16 йил, Олимжон Абдувоҳидов 14 йил, Усмон Шукуров 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукмга биноан, барча судланувчиларнинг мол-мулки мусодара қилинганлиги маълум қилинган[2].

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, 1999 йилнинг ўзида Андижон вилоятида экстремизм ва терроризм қарши кўраш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида, диний экстремистик ва террористик гуруҳ аъзолари бўлган 505 та шахсларга нисбатан 267 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 386 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 203 та жиноят ишлари судга юборилган ва суднинг айблов ҳукмлари чиққан[8].

Бундан ташқари, 2000 йилнинг 8 ойида диний экстремистик ва террористик гуруҳ аъзоси бўлган 316 та шахсларга нисбатан 93 та жиноят ишлари қўзғатилган. 190 нафар шахсга нисбатан 103 та жиноят ишлари тергов қилиниб, судга юборилган[9].

Бундан ташқари юртимизда ислом дини ниқоби остида «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Туркистон ислом ҳаракати», «Жиходчилар», «Ҳизб ут-таҳрир», «Акримийлар», «Нурчилар», «Таблицчилар» ва «ИШИД» каби экстремистик ва террористик ташкилотлар ва уларнинг аъзоларининг ноқонуний фаолияти аниқланиб, жавобгарликка тортилганликларини ҳам мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, терроризмнинг барча турларининг моҳияти зуравонлик, даҳшатга солиш, жисмоний куч ишлатиш орқали билан ҳокимиятни ва ўзгаларнинг мулкни эгаллаш, ҳукмронликка эришиш, амалдаги сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий вазиятни издан чиқариш, турли талофатлар етказган ҳолда олдига қўйган мақсадларига эришишдан иборат. Терроризмнинг ҳар қандай кўринишининг қораланишига сабаб мутлақо бегуноҳ одамлар, ачинарлиси, норасида гўдаклар, аёллар, оналар ва қариялар терроризмнинг қурбони бўлаётганидир. Шу сабабли терроризм барча давлатлар ва прогрессив кучлар қораламоқда ва унга қарши фаол курашлар олиб борилаётгани аниқ ҳақиқатдир.

Адабиётлар:

1. Алимов Б.С. Замонавий террористик ҳаракатлар таснифи мақола. 2018 й 17 август.
2. Жиноятга яраша адолатли жазо мақола //Ўзбекистон овози газетаси, 2020 йил 18 ноябрь.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - Б.105-106.
4. Мирзиёев Ш.М “Эркин ва фаровон, демократик давлатни биргаликда барпо этамиз” , Тошкент 2017 й.
5. Матлюбов Б.А. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. -Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 10-12.
6. Постольник В. Классификация террористических актов. Мақола. http://www2.bigpi.biysk.ru/antiterror/viewpage.php?page_id=2
7. Тураев Б. Диний экстремизм ва терроризм мақола. 2014 й 9 февраль.

http://old.bukhari.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=71:dinit-ekstremizm-va-terrorizm&catid=31:maqolalar&Itemid=459&lang=ru.

8. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1399-иш, Б. 32.

9. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1399-иш, Б. 33.

